

Худудлардаги тадбиркорлик ва ишбилиармонлик мұхити рейтинги әълон қилинди



Image not found or type unknown

Хукумат қарорига асосан Адлия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартыриш вазирлиги билан биргаликда республика худудларида тадбиркорликнинг ривожланганлық даражасига баҳо беришга қаратилған “BUSINESS INDICATOR” автоматлаштирилған онлайн ахборот тизимини синов тариқасида ишга туширди.

Баҳолашда иккита асосий манбага: тегишли идораларнинг расмий статистик маълумотлари ҳамда тадбиркорлар ўртасида ўтказилған сўровлар натижалариға таянилди.

Хусусан, тизимда синов тариқасида ўтган 2019 йилнинг якунлари бўйича худудларнинг, жумладан ҳар бир туман ва шаҳарда ишбилиармонлик мұхити баҳоланди.

Адлия вазирлигининг маълум қилишича, баҳолаш жами 29 та кўрсаткичлар (индикаторлар) асосида амалга оширилиб, шундан 25 таси тегишли идораларнинг статистик маълумотлари, қолган 4 таси 17 мингдан ортиқ тадбиркорлар ўртасида ўтказилған сўровлар натижалари асосида ҳисобланди.

Асосий индикаторлар жумласига тадбиркорларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги ҳамда Давлат бюджетига келиб тушган тушумлардаги улуши,

тадбиркорлар томонидан ақолини иш билан таъминланганлиги күрсаткичларини киритиш мумкин.

Ишбилиармонлик мұхитини бақолаш мезонлари түғридан-түғри Ҳукумат қарорида күрсатилған бўлиб, Савдо-саноат палатаси, Бизнес омбудсман, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа ташкилотлар билан келишилған.

Мазкур рейтинг синов тариқасида ишлаб чиқилған, яъни демо версияда. Ушбу демо рейтинг дастлабки натижаларига асосан кучли 5 талик қўйидаги ҳудудлардир:

1. Тошкент шаҳри
2. Навоий вилояти
3. Бухоро вилояти
4. Қорақалпоғистон Республикаси
5. Самарқанд вилояти

Рейтинг натижалари интернет тармоғида <http://demo.b-indicator.uz/> манзилида жойлаштирилған.